

қарорларини қабул қилиш ва портфелларни ислом қоидаларига мувофиқ бошқариш учун сунъий интеллект ва маълумотлар таҳлилидан фойдаланади²³².

Молиявий технологияларни ислом молия институтлари амалиётига интеграциялашуви мижозларнинг ўзгарувчан эҳтиёжлари ва умидларига жавоб бериб, молия саноатининг ушбу секторининг барқарор ўсиши ва ривожланишига ҳисса қўшишда давом этади.

Хулоса қилиб айтганда, рақамли трансформация ва молиявий технологиялар контекстида ислом молиясининг замонавий тенденцияларини ўрганиш қуйидаги асосий хулосаларни чиқариши мумкин:

1. Рақамли трансформация ислом молиясини ривожлантиришда муҳим рол ўйнайди, бу соҳада хизматлар самарадорлиги, шаффофлиги ва улардан фойдаланиш имкониятини оширади.

2. Блокчейн, сунъий интеллект ва рақамли платформалар каби молиявий технологиялар ислом молия институтлари фаолиятини тартибга солиш, инновацион маҳсулотларни ишлаб чиқиш ва мижозлар тажрибасини яхшилаш учун янги имкониятлар яратади.

3. Шу билан бирга, ислом молиясига FinTechни татбиқ этиш ислом тамойилларига риоя қилиш, киберхавфсизликни таъминлаш ва ходимларни тайёрлаш каби қатор муаммоларга ҳам дуч келмоқда.

4. Ислом молия соҳасида рақамли трансформацияни муваффақиятли амалга ошириш учун қийинчиликларни енгиш ва янги технологиялар салоҳиятини максимал даражада оширишга қаратилган стратегияларни ишлаб чиқиш зарур.

ИСЛОМИЙ ВА АНЪАНАВИЙ БАНКЛАРНИНГ ҚИЁСИЙ ТАҲЛИЛИ

Зайниддинов Руҳиддин

Тошкент давлат иқтисодиёт университети докторанти

Ўзбекистон янада очик ва диверсификацияланган иқтисодиётга ўтаётган бир пайтда, анъанавий банк фаолияти билан бир қаторда исломий банкчиликни ҳам ўрганиш айниқса долзарб бўлиб бормоқда. Аҳолисининг катта қисми (95 фоиздан ортиғи²³³) мусулмонлардан иборат ва исломий молиявий маҳсулотларга қизиқиш ортиб бораётган бир шароитда, исломий ва анъанавий банкчилик ўртасидаги фарқни тушуниш муҳим аҳамиятга эга.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М. Мирзиёев ИХТТИФ кенгаши 43-сессияси очилиши маросимида сўзлаган нутқида “Ислом олами улкан иқтисодий, инвестицион салоҳият, энергетика ресурсларига эга.

²³² Tlemsani, I., & Matthews, R. (2023). Digitalization and the prospects of cryptocurrency in Islamic finance. *International Journal of technology management & sustainable development*, 22(2), 131-152.

²³³ <https://www.findeasy.in/population-of-uzbekistan/>

Улардан тўғри фойдаланиш, Ислом ҳамкорлик ташкилотига аъзо давлатларнинг халқаро савдо-иқтисодий, молиявий, инвестицион ҳамкорлигини кенгайтириш, мамлакатларимизни бирлаштирадиган транспорт йўллари ташкил этиш юксак иқтисодий тараққиёт кўрсаткичларига эришиш имконини беради ва бу пировард натижада бошқа барча соҳаларнинг ривожланишида асос бўлиб хизмат қилади”, – дея таъкидлаб ўтган эди²³⁴. Шундай экан, мусулмон давлатларидаги фаолияти исломий молиялаштиришга асосланган мавжуд банклар, инвестиция фондлари ва компаниялар маблағларини Ўзбекистоннинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиши ва хусусий секторни қўллаб-қувватлаш мақсадида жалб этиш айти муддаодир. Бунинг учун, албатта, миллий банк тизимига янгича ёндашув билан назар солмоқ лозим, яъни анъанавий молиялаштириш механизмлари билан бир қаторда шерикчиликка асосланган молиялаштириш механизмларини жорий этиш масаласи тадқиқ этилиши муҳим ва долзарб ҳисобланади²³⁵.

Ушбу тадқиқот Ўзбекистон молия саноатида иккала банк тизимининг ўзига хос жиҳатлари ва ўхшашликларини назарий жиҳатларини ёритишга қаратилган. Тадқиқотимизда асосан сифат ёндашувидан кенг фойдаланилди. Жумладан, бунда мақсадли ривожлантириш, тизимли ва қиёсий таҳлил ҳамда эксперт баҳолаш усуллари билан фойдаланилди.

Ислом банк иши Қуръон ва Пайғамбаримиз Муҳаммад соллаллоху алайҳи васаллам таълимотларини ўзида мужассам этган Шариат тамойиллари асосида ишлайди. Ислом молиясининг марказида рибо (таъқиқланган фоиз), ғарар (шартнома ва келишувлардаги мавҳумлик, ноаниқликлар), майсир (чайқовчилик) ва айрим фаолият турлари (алкогол, наркотик, тамаки, чўчқа гўшти маҳсулотларини ишлаб чиқариш ҳамда уларнинг савдоси)ни ўзида акс эттирган бизнесга сармоя киритиш тақиқланади. Бунинг ўрнига, ислом банклари фойда ва зарарни тақсимлаш келишувларига, активлар билан таъминланган молиялаштиришга ва барча молиявий амалиётларда ахлоқий қоидаларга риоя қилишга урғу беради. Бу тамойиллар ислом банки маҳсулотлари ва хизматларининг бутун асосини шакллантиради ва уларни анъанавий банклардан ажратиб туради.

Анъанавий банк иши эса диний ёки ахлоқий чекловлардан холи дунёвий моделга амал қилади. Фоизга асосланган амалиётлар анъанавий банк фаолиятининг асосини ташкил этади, бу банкларга капитални кредитлаш ва қарз олиш орқали фойда олиш имконини беради. Ислом банкларидан фарқли ўлароқ, анъанавий институтлар шариат тамойилларига боғлиқ эмас ва ахлоқий нуқтаи назардан қатъи назар, ҳар

²³⁴ <https://parstoday.com/uz/news/uzbekistan-i6844>

²³⁵ Р. Зайниддинов. Ўзбекистон иқтисодиётига исломиқтисодиёти тамойиллари асосида инвестицияларни жалб қилиш имкониятлари. “Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар” (Economics and Innovative Technologies) илмий электрон журнали. 19 бет. 3/2023, май-июн (No 00065) https://www.researchgate.net/deref/https%3A%2F%2Fdoi.org%2F10.55439%2FEIT%2Fvol11_iss3%2Fi9?_tp=eyJjb250ZXh0Ijp7ImZpcnN0UGFnZSI6InB1YmVpY2F0aW9uIiwicGFnZSI6InB1YmVpY2F0aW9uIiwicHJldmlvdXNQYWdlIjoicHJvZmlsZSI6InBvc2l0aW9uIjoicGFnZUNvbnRlbnQifX0

қандай сектор ёки саноатга сармоя киритиши мумкин. Ушбу мослашувчанлик анъанавий банкларга кенгроқ амалиётлар кўламини беради, лекин уларни инвестицияларининг ижтимоий ва атроф-муҳитга таъсири бўйича кенг танқидларга дучор қилади.

Мафкуравий тафовутларга қарамай, ислом ва анъанавий банклар молиявий воситачилик, рискларни бошқариш ва рентабеллик каби умумий мақсадларга эга. Иккаласи ҳам омонатчилар ва қарз олувчилар ўртасидаги маблағлар оқимини осонлаштиради, депозит ҳисобварақлари, кредитлар ва инвестиция имкониятлари каби муҳим хизматларни тақдим этади. Бундан ташқари, иккала банк тизими ҳам омонатчилар, инвесторлар ва бошқа манфаатдор томонларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш учун рискларни бошқаришнинг қатъий тизимларидан фойдаланади. Шунга қарамай, исломий ва анъанавий банк иши ўртасидаги тафовут оддий амалий фарқлардан ташқарида бўлиб, иқтисодий ривожланиш, ижтимоий адолат ва ахлоқий молия учун кенгроқ таъсирларни ўз ичига олади. Ислом банкларининг шариат тамойиллари асосида фаолият юритишлари бойликни адолатли тақсимлашга ва барқарор ривожланишга ёрдам беради ҳамда фойда ва зарарни тақсимлаш механизмлари орқали тизимли рискларни юмшатади.

Ислом банкчилигида жалб қилинган маблағларнинг ишлатилиши ҳам анъанавий банкчиликдан моҳиятан фарқ қилади. Маблағлар ислом молияси тамойилларига биноан, сотиш, ижара/лизингга бериш ёки шерикчилик асосида ёхуд молиялаштириш/инвестиция шартномалари асосида амалга оширилиши мумкин. Қуйидаги 1-жадвалда икки банк тизимини қиёсий таҳлилини давом этирамыз.

1-жадвал

Ислом ва анъанавий банк-молия тизимларининг фарқли жихатлари²³⁶

Ислом банки	Масала-ларда ёндашув	Анъанавий банк
Ислом банклари фаолияти Шариат тамойиллари асосида амалга оширилади. Шариат ва банк иши қонунлари.	Тамойил-лар ва ҳуқуқий асос	Анъанавий банклар фаолиятни амалга оширишда инсон томонидан ишлаб чиқилган тамойилларга амал қиладилар. Банк иши қонунлари.
Актив бу маҳсулот, пул эса айирбошлаш воситасигина ҳолос. Реал бойлик кўп қўлларга ўтиши ва пул турли одамларда айланаётганлиги сабабли, реал бойликнинг кўпайиши содир бўлади. Фақат реал активлар фойда эвазига олди сотди қилиниши мумкин. Бироқ пулни “ижарага” бериш ёки каттароқ пул эвазига сотишга рухсат берилмайди.	Пулга ёндашув масаласида	Пул - бу савдо қийматига эга бўлган маҳсулот ва айирбошлаш воситаси. Пул озчилик қатлам орасида айланади ва реал ўсиш бўлмайди. Пулни муайян ҳақ эвазига “ижарага” бериш орқали пул топиш тамойили ишлайди.

²³⁶ Муаллиф томонидан турли манбалар асосида тузилган

<p>Савдодан олинган фойда даромад олишнинг асосий манбаи ҳисобланади. Фойда банк ва омонатчилар ўртасида олдиндан келишилган нисбат бўйича тақсимланади ва бу фойда кафолатланмайди. Кўрилган зарар эса томонлар ўртасида тақсимланади. Молиялаштириш фоизга асосланган эмас, балки активлар билан таъминланган ва актив ёки унинг узурфруктини сотишдан фойда олишга асосланган. Депозитлар фоизга эмас, балки фойда ва зарарни тақсимлашга ёки фоизсиз ссудаларга асосланади</p>	<p align="center">Фоиз масаласида</p>	<p>Фоизлар бизнеснинг ҳар қандай ҳолатидан қатъий назар ундирилади. Омонатчиларга олдиндан белгиланган даромад ставкаси (фоиз) кафолатланади. Фоизлар кредит олинган муддатга қараб ҳисобланади. Анъанавий банк ишида зарарни тақсимлаш қўлланилмайди. Пулдан фойдаланганлик учун белгиланган ёки ўзгарувчан фоиз ставкаси билан фоизга асосланган молиялаштириш. Банклар томонидан омонатчиларга тўланадиган фоизлар кредитлар бўйича олинмайдиган фоизлардан камроқ бўлади, фарқ банкнинг фойдаси ҳисобланади.</p>
<p>Шариат рухсат этган лойиҳа, бизнес амалиётлари натижасида келиб чиққан фойда, хизмат тўловлари ва маслаҳат тўловлари Ислом банклари даромадларининг асосий манбаи ҳисобланади. Фойда ўзгарувчан бўлиб, йўқотиш ҳолатларида салбий бўлиши мумкин.</p>	<p align="center">Даромад масаласида</p>	<p>Фоизлар анъанавий банклар учун ҳар хил турдаги кредитлар/ маҳсулотлар бўйича ундириладиган асосий даромад манбаи ҳисобланади. Бу олдиндан белгиланган фоиз ставкасини кафолатлайди. Анъанавий банкнинг даромади, ҳатто бизнес қарз олувчилар зарар кўрган тақдирда ҳам доимий бўлиб қолади, чунки у фойда ҳажмидан қатъи назар, белгиланган фоиз ставкасини олади.</p>
<p>Олди-сотди (савдо) амалиёти ёки ҳамкорлик, яъни фойда/зарарни бўлишиш ва шу орқали даромад олиш тамойилига асосланган муносабатлар. Банклар ўзи иштирок этган тадбиркорлик фаолиятдан олинган фойданинг улушини олади. Агарда банкнинг эътиборсизлиги натижасида зарар келиб чиқса, ушбу даврдаги фаолияти учун мукофотдан айрилади ҳамда зарарга жавобгар томон ҳисобланади. Ислом банки мижозлари ҳамкор сифатида қаралиб, инвестор ва тадбиркор, харидор ва сотувчи каби муносабатга киришилади.</p>	<p align="center">Бизнес модел, мижозлар билан муноса- батлар</p>	<p>Қарз воситачилиги (омонатчилардан пул олиб, қарз олувчиларга бериш). Қарз берувчи - Қарздор муносабатлари. У бошқа манфаатдор томонларнинг ҳисобидан ҳам ҳеч қандай чекловларсиз фойдани максимал даражада оширишга қаратилган.</p>
<p>Фойда ва зарар ўзаро тақсимланишига асосланган ҳамкорлик муносабатлари (мушорака, мудораба) ёки савдо муносабатлари асосидаги (муробаҳа, ижара ва иқтина, салам...) турли маҳсулотлар. Бундай муносабатлар доирасида банк ўз зиммасига сотувчи, ишлаб чиқарувчи, ҳамкор, ижарага берувчи ва ҳ.к.з вазифаларни олади. Фойда доимо кафолатланган бўлмайди.</p>	<p align="center">Маҳсулот- лар</p>	<p>Кредит асосий молия маҳсулоти бўлиб, даромад кафолатланади.</p>

Муддати ўтган тўлов учун жарима фақат мижознинг бепарволиги ёки атайин тўловни амалга оширмаганлиги сабабли ундирилиши мумкин, бироқ бу ундирилган жарима молия муассасаси фойдаси/эҳтиёжлари учун сарфланмайди, балки ҳайрияга йўналтирилади.	Жарима	Тўлов кечиктирилганида жарима ундирилади ва бу ундирилган жарима банк фойдаси сифатида қайд этилади.
Қарзи ҳасан – фоизсиз қарз орқали мижозларга вақтинча молиявий ёрдам берилиши мумкин.	Ижтимоий молия тушунчаси	Ижтимоий молия тушунчаси мавжуд эмас

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, ислом ва анъанавий банк тизимлари ўртасидаги фарқлар, биринчи навбатда, уларнинг асосий тамойиллари, ҳуқуқий асослари ва ахлоқий мулоҳазалари билан боғлиқ. Ислом банк иши шариат қонунларига мувофиқ ишлайди, фоизларга асосланган амалиётларни тақиқлайди, фойда ва зарарни тақсимлаш, активлар билан таъминланган молиялаштириш ва ахлоқий сармоя тамойилларига урғу беради. Бундан фарқли ўлароқ, анъанавий банк иши мамлакат қонунчилиги доирасида фоизга асосланган кредитлаш ва қарз олишга таянади. Ўзбекистонда ислом банкининг истиқболларига келсак, ушбу йўналиш бўйича қонунчиликнинг йўқлиги сабаб, исломий банкчиликни ташкил этиш ортга сурилиб бормоқда. Лекин, мазкур муқобил молия муассасасининг ривожланиши учун катта салоҳият мавжуд. Ўзбекистонда исломий банкчилик мавжуд бўлмасада, ўзларининг диний эътиқодлари ва ахлоқий қадриятларига мос муқобил вариантларни излаётган жисмоний шахслар ва бизнес сектори вакиллари ўртасида шариатга мувофиқ молиявий хизматларга қизиқиш ортиб бормоқда. Ўзбекистонда анъанавий банк фаолияти билан бир қаторда исломий банк ишини ўрганиш янада диверсификацияланган, инклюзив ва ахлоқий молиявий секторни ташкил этиш йўлидаги чора-тадбирларни ишлаб чиқишга кўмак беради. Мазкур соҳани ташкил этиш ва ривожлантириш йўлидаги енг қамровли тадқиқотлар ва стратегик сиёсатни ишлаб чиқиш орқали Ўзбекистон иқтисодий ривожланиш мақсадларига эришиш ва барча фуқароларнинг молиявий фаровонлигини ошириш учун иккала банк тизимининг кучли томонларидан фойдаланиши мумкин бўлади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. <https://www.findeasy.in/population-of-uzbekistan/>
2. <https://parstoday.com/uz/news/uzbekistan-i6844>
3. Р. Зайниддинов. Ўзбекистон иқтисодиётига исломиқтисодиёти тамойиллари асосида инвестицияларни жалб қилиш имкониятлари. “Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар” (Economics and Innovative Technologies) илмий электрон журнали. 3/2023, май-июн (No 00065). 19 бет.